



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## Ярмарка

### ЯНГИ МИЖОЗ, ЯНГИ ШАРТНОМА

Озиқ-овқат саноати соҳасида фаолият юритаётган тадбиркор ва ишбилармонлар вилоят озиқ-овқат ярмаркасида манфаатдорлик билан иштирок этишди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда "Тошвилматлукотинвест" давлат унитар корхонаси ярмарканинг ташаббускори бўлди, йигирмага яқин корхона ва ташкилот уларга ҳамкорлик қилди.

Бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёж кундан кун ортиб бормоқда, — деди вилоят иқтисодийёт бош бошқармаси бошлиғи Анвар Абдуқодиров. — Шунинг билан бир қаторда озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаси вилоятимиз аҳолиси, ҳатто, энг чеҳка худудларда яшовчи фуқароларни зарур маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Ярмаркада 100 дан зиёд корхона, ташкилот ва фермер ўз маҳсулоти билан иштирок этди. Айниқса, қандолат, гўшт, нон маҳсулотлари, қаймоқ, сметана, қатик, tvorog билан тўлдирилган пештахталар ёнида одамлар гавжум бўлди. Фермерлар етиштирган қартошка, пийёз, сабзи, қарам, ҳовоқ каби маҳсулотлар сарҳиллиги ва сифати билан барчанинг эътиборини тортди. Айниқса, бир-бирдан мазаги шарбат ва ичимликларни татиб кўрувчиларнинг кети узилмади. — Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган ширмой, папир, пивз ва ёғли нонларимиз харидорлари

кўпайиб бораёпти, — деди Охангарон туманидаги "TELOV NON" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилмурод Ҳамроқулов. — Бир кунда 5 тонна уни қайта ишлаб, 2,5-3 миллион сўмлик маҳсулот чиқарамиз. Келгусида ярмарка сабабли толган янги мижозларимизнинг буюртмалари ҳисобига ишлаб чиқариш қувватини икки баравар ошириш мумкин.

Ярмаркада "Бекобод-гўштсавдо" очик акциядорлик жамиятига қарашли худудий улгуржи базаси экспедитори Анвар Ҳакимов 50 турга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари юзасидан янги шериклар билан шартномалар имзолади. Биз уни сўхбатга тортдик.

— Асосан ун, қандолат, ёғ, консерва, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қиламиз, — деди у. — 15 га яқин корхона ва ташкилот билан шартнома асосида ҳамкорлик қилаёмиз. Ойлик савдо айланмамиз 250-270 миллион сўмдан кам бўлмапти.

Тошкент туманидаги "Московские деликатесы" масъулияти чекланган жамияти ярмаркада 60 тур-


дан зиёд колбаса маҳсулотлари билан қатнашиб, 200 миллион сўмлик шартномаларни имзолашга муваффақ бўлди.

Корхонамиз 20 дан зиёд турли халқаро ва республика миқёсидаги танловларнинг ғолиб ва сариндориди, — деди корхона раҳбарининг савдо ва маркетинг бўлими раҳбари Бунёдбек Йўлдошев. — Бу бежиз эмас, албатта. Бизда умуман музлатилган гўшт ишлатилмайди. Фақат ўзимизнинг фермада боқилиб, қушонамизда сўйилган мол гўшtidан фойдаланамиз. Бу эса, колбаса маҳсулотларининг юқори сифатли ва мазали бўлишини таъминлайди. Агар музлатилган гўшт ишлатганимизда маҳсулотларимиз бу даражада харидорларга бўлмасди.

Ярмарка давомида иштирокчи корхоналар ўртасида тузилган шартномалар назорат қилиниб, рўйхатга олиб борилди. Шу маълумотларга қараганда, ярмаркада жами 4 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Мухими шундаки, ярмарка иштирокчилари билан янги шерикларни ўрганишди, тажриба орттиришди. Бу эса, вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини янада кўпайтириш, турини кенгайтириш ва сифатини оширишга хизмат қилади.

**Хуршида НАЗАРОВА,**  
**"Тошкент ҳақиқати"**  
**муҳбири.**



СУРАТДА: Охангарон туманидаги «TELOV NON» МЧЖ ҳам ярмаркада фаол иштирок этди.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

## 10 декабрь - Ўзбекистон Республикаси

### Давлат маҳияси қабул қилинган кун

# ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ МУАЗЗАМ САДОСИ

Давлат рамзлари шу юрт тарихи ва келажаги, анъаналари, қадриятлари, қудрати ва салоҳияти тимсолларидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат маҳияси ана шундай рамз сифатида Ватанимиз озолиги, юртимиз таровати, халқимиз фаровонлиги ва эзгу орзулари ифодасидир.

Халқимиз ҳар бир янги кунни шу азиз кўшиқ билан кутиб олади. Бу муаззам садо азму шижоатли халқимизнинг руҳига руҳ, кучига куч бағишлаб, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига даъват этади.

Маҳиямизнинг матни ва мусикаси давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат маҳияси тўғрисида"ги қонунга мувофиқ тасдиқланган.

Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири Абдулло Орипов шеъри, атоқли композитор Мутал Бурхонов мусикаси асосида яратилган маҳиямиз жaxon узра мустақил Ўзбекистоннинг хур овози сифатида янграб келмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов жaxonнинг турли давлатларига расмий ташриф буюришида, нуфузли халқаро ташкилотлар минбарига кўтарилганда, мамлакатимизга келган олий мартабали меҳмонларни кутиб олиш чоғида маҳиямиз садолари янграйди.

Юртимиз вакиллари иштирок этаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларида мазкур шуқуҳли тарона жаранлаганида, қалбларимиз фахру ифтихорга тўлади.

Бу улғувор қасидани тинглаганда, қуйлаганда беихтиёр қалбимиздаги энг жўшқин, умидбахш тўйгулар жунбушга келади. Кўз олдимизда эзгу ниятлари ўзига эш халқимиз, она Ватанимизнинг таровати, бой тарихи, саодатли бугуни ва буюк келажаги наморён бўлади.

Жамиятда юксак маъ-

навий фазилатларни камол топтириш, униб-ўсиб келаётган авлодни миллий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром, она Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда маҳия алоҳида ўрин тутди.

Юксак ватанпарварлик тўйғусини муҷассам этган маҳиямиз бугун таълим масканларида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида камол топтиришга хизмат қилмоқда. Энди харф таний бошлаган жажжи фарзандларимиз миллиятимизнинг бош қўшигини қуйлай бошлаганида севинчдан ҳаяжонга тушамиз. Бундай лаҳзаларда халқ ва Ватан улғуланган кўшиқ инсонлар қалбига юксак ва беғубор тўйғуларни жо этишига, бу ёруғ оламни янада мунаввар кўрсатадиган илоҳий мўъжиза эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Юртинг энг улғу қўшигини эъозлаш, ёд олиши ва баралла қуйлаш ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир.

Шуқрки, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, тотувлик ва иноқлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сураётди. Ватанимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, обрў-эътибори ҳам тобора юксалмоқда. Энг муҳими, озода юртимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмаган фарзандлари келажаққа қатъий ишонч билан, юксак марралар сари дадил одимламоқда.

Демак, истиқлолимизни, юртимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг ақл-заковати, аждоқларимизнинг шон-шухрати ва авлодларимизнинг ёруғ келажагини шарафловчи бу тарона асрлар оша баралла янграйверди.

**Олим ТУРАКУЛОВ,**  
**ЎЗА шарҳловчиси.**

## ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида банк соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимиз молия институтлари ривожига муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, банларимизнинг аҳоли, корхона ва ташкилотларга кўрсатаётган кредит ва лизинг хизматлари дунё жамоатчилиги эътиборини жалб этмоқда. "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки фаолияти бунинг далилидир.

Фаолияти жаҳондаги микромолия ташкилотлари ишини таҳлил этишга йўналтирилган Микс Маркет компаниясининг (АҚШ) ҳисоботида кўра, "Микрокредитбанк" Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида фаолият юритаётган банлар, давлат ва ҳусусий кредит уюшмалари орасида аҳолига кўрсатилаётган микромолиявий хизматлари бўйича 2008 йилда энг юқори кўрсаткичга эришган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони тадбиркор ва ишбилармонларга мадад бериб келаётган мазкур банк фаолиятида муҳим дастуриламал бўлаётди. Банк матбуот хизматида маълум қилишларича, ҳозир банкнинг 78 филиали, 272 минг банки 126 мингдан зиёд мижозга барча турдаги замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда.

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки хизматларининг бундай нуфузли компания ҳисоботида юқори баҳолини юртимизда банк-молия тизими барқарор ривожланаётганининг самарасидир.

**Сайёра ШОЕВА,**  
**ЎЗА муҳбири.**

## Муносабат

### КўПРОҚ ҲИССА ҚЎШСАМ ДЕЙМАН

Болалигим қишлоқда ўтди. Мактабни томонлагач, ҳеч иккиланмай, пахтакорлик касбини танладим. Устозларим — акам Мирзааҳмад Мирзаев, тажрибали олим Ҳўжааҳмад Бобомуродовдан кўп нарсаларни ўргандим. Бу менга ҳозиргача асқотиб келмоқда. Салкам ўн йилдан буён фермер хўжалиги раҳбариман.



Ўтган йили пахтадан 35 центнер, ғалладан эса 50 центнердан ҳосил олган бўлсам, бу йил пахтадан 40 центнер, ғалладан эса 60 центнердан хирмон кўтардик.

Эрта баҳордан пушта олинчи, яхоб суви берилиб, чигит экилади. Яхши намга экилан чигит тез ва тўлиқ униб чиқади. Чунки бизнинг шароитда шамол ерларни тез курийтиб оборади. Шунинг учун вақтида озукасини бериб борамиз, меъёрида сув қўямиз. Куль-

тивацияни ҳам вақтида сифатли бажарамиз. Яхши ишлов берилган далада гўзанинг ривожини бараваж бўлади. Хатто, бир гўза тўлида 100 тадан кўп кўсак сандик. Айримлар ишонмаслиги мумкин, лекин бу ҳақиқат.

Айни кунларда кузги шудгорни яқунлапмиз.

Менинг икки қанотим бор. Улар ўғилларим Олимжон ва Шавкатжон. Фермерлик ишимда доимо менга кўмақдош ва мададкор. Айниқса, Олимжон ёш

бўлишига қарамай, механизатор сифатида анчагина тажриба орттирган. Шу йили вилоят ҳокимининг кўмаги билан "Пахтабанк"дан кредит олиб, лизинг асосида "Беларус - МТЗ-80" русумли трактор харид қилдик. Ҳозир фермер хўжалигимизда 87 гектар ер мавжуд бўлиб, 35 гектар ерда ғалла дуркун усапти.

Президентимиз томонидан 2009 йилнинг "Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши кучимизга куч, ғай-

ратимизга-ғайрат қўшди. Бу янгилик биз, фермерларга янада кенг имкониятлар йўлини очиб бериш билан бирга зиммамиздаги масъулиятни ҳам оширишини яхши тушунамиз. Энди янада зўр бериб, самаралироқ меҳнат қилишимиз керак. Зотан фермер бой бўлса, даромади кўпайса, қишлоқларимиз янада обод, файли бўлади. Ҳозирданқоқ кўнглимда яхши ниятлар туғилди. Ҳўзимиз яшаб, меҳнат қилаётган қишлоқимизнинг обод ва кўркам бўлишига кўпроқ улуш қўшсам дейман.

**Назира БОҚИЕВА,**  
**Бекобод туманидаги**  
**"Боқиева Назира"**  
**фермер хўжалиги**  
**раҳбари.**

## Ангрэн темирйўл бекатида бир кунлик юк айланмаси ҳажми уртача 14 минг тоннага кўтарилди.

### ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ ЙЎҚ

"Ўзбеккўмир" очик акциядорлик жамияти маълумотига кўра, бу ердан жўнатилаётган маҳсулотлар ҳажми анча ортди. Бунга бекатнинг ўзидан поезд тузиш ҳамда жўнатиш тартиби жорий этилаётгани ҳисобига эришилмоқда. Шу усулда "Ангрэн терминали", Ангрэн иссиқлик электр-станцияси ҳам ашё билан узлуксиз таъминланмоқда. Бекат йирик саноат худудиде жўнатилаётган боис дизель ёнилғиси, каолин каби маҳсулотлар Қувасой, Бекобод, Охангарон цемент корхоналари ҳам кўплаб етказиб беришмоқда.

Кўшни республикаларга кунига 70-100 вагон юк жўнатилаётди.

**Ақбар АЛИЕВ.**

## Вилоят ҳокимлигида

# АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ишчи гуруҳи томонидан вилоятда вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш, таълим муассасаларида ўқувчиларни замонавий касб-хўнарга ўргатиш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш аҳволини ўрганиш натижалари муҳокама этилди. Йиғилишда республика комиссияси аъзолари, вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим, бошқарма ва идоралари, бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, касб-хўнара коллежлари, махсус мактаб-интернатлар ҳамда меҳрибонлик уйлари раҳбарлари иштирок этди.

Комиссия йиғилишини вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаев бошқарди.

Вилоят аҳолисининг 954 минг нафари ёки 37,5 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Таъқидланганидек, вояга етмаганлар даврасида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, республика Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга

етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Шунингдек, ўсмирларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда интеллектуал салоҳиятларини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳаётда ўз ўрниларини топишларига



кўмаклашиш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган.

Ешларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳусусан, нотинч, носоғлом

оилалар ва улар қарамонлигида болаларнинг таълим-тарбияси, мактабга ва мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини, машғулотларнинг

савиясини кўтариш масалаларига алоҳида ургу берилди.

Шунингдек, йиғилишда жойларда йўл қўйилган айрим камчиликлар



ҳақида ҳам фикр билдирилди. Амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Комиссия йиғилиши муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

**СУРАТЛАРДА:**  
комиссия йиғилишининг лавҳалар.  
**Еркебой БОТИРОВ**  
**олган суратлар.**

## ДАСТУР ДОИРАСИДА

Республикамиз пойтахтида ўтказилган Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация алоқаларини кучайтириш ҳамда ривожлантириш бўйича энг яхши лойиҳа номинатсияси бўйича ғолиб чиққан "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик бирлашмасида қишлоқ хўжалиги машиналари, авиасозлик учун мўлжалланган бутловчи қисмлар, қурилиш материаллари, шунингдек, босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш дастури ижроси доирасида тайёрланган бу маҳсулотлар янги йилдан шартнома асосида "Андижонкабель", "Наманганмаш", "Чустмаш" каби мамлакатимиздаги бир қатор нуфузли корхоналар қатори Тошкент шаҳри ва вилоятимиздаги буюртмачи ташкилотларга ҳам етказиб берилади.

**Мунаввара РАЖАБОВ**  
**қили.**

# ОИЛА ОДОБИ ТАРФИБОТЧИЛАРИ

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорликда Тошкент вилояти учун "Оилавий таълим-тарбия дастури доирасида маҳалла маслаҳатчилари, матбуот, телевидение, радио соҳасидаги ҳудудий мукофот" танловини эълон қилганди.**

Уни юқори савияда ўтказиш учун вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлик қилди. Танловнинг мақсади боланинг эрта ва эркин ривожланиши масалаларини ёритишда оммавий ахборот воситалари ва маҳалланинг ролини ошириш ҳамда уларни рағбатлантиришдир. Вилоят ҳокимлигида танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қувончли шундаки, бош совринлар "Тошкент ҳақиқати" газетасининг бўлим муҳаррири Сайёра Рихсиевага, Зангиота ту-

манининг "Истиқбол" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Жамила Арслоновага ҳамда Тошкент телерадиоканали радиожарҳовчиси Саида Йўлдошбековага nasib этди. Улар танлов сертификат ва қимматбах сова билан тақдирландилар.

Бола туғилганидан то олти ёшгача унинг миёси жадал ривожланади, - деди оилавий таълим дастури лойиҳаси бўйича маслаҳатчи Шахло Ашрафхонова. - Бу ривожланиш болага унинг яқинлари томонидан курсатилган гамаҳурилик ва тарбияга боғлиқ бўлади. Бола ривожланишига сарф-

ланган ҳар бир доллар келажакда ўн саккиз долларга тенг фойда билан қайтиши исботланган. Утказилган танловнинг илк меваси бу ижодкорларимизнинг меҳнати муносиб тақдирланишидир. Келгусида эса, саъй-ҳаракатларимизнинг натижасини кўраверамиз.

Тадбирда энг фаол маҳалла маслаҳатчилари ҳам муносиб тақдирландилар.

**СУРАТА:** танлов ғолибларидан бири Сайёра Рихсиева (чапда)га мукофот топширилмоқда.



## РОБОТЛАР УЧУН ЯНА БИР ИШ



Япониянинг "Yaskawa Technology" компаниясида овқат пишира оладиган MotoMan SDA10 роботи яратилди, деб хабар беради ПАТА-ТАСС. Унда турли оғир ишларда ҳам фойдаланиши мумкин.

Хабарларга қараганда, роботга ўрнатилган манипуляторлар (қўллар) ҳар қандай мураккаб ҳаракатни бажариш хусусиятига эга. Уларнинг узунлиги қарийб бир метрга тенг. MotoMan оғирлиги ўн килограммгача бўлган юқларни кўтари олади.

## ПЕРУДАГИ ТОПИЛМА

Перунинг Мачу-Пикчу тоғи яқинида қадимий инклар империясида оид мумиё топилди. Археологларнинг сўзларига кўра, мумиё ёнидан ўттизга ақин олтин зебзийнат буюм ва сопол идишлар ҳам чиққан.

Маълумот ўрнида шунга айтиш жоизки, Мачу-Пикчу тоғидаги инклар шаҳри ўн бешинчи асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Мазкур империя 1532 йилда испанларнинг ҳужуми оқибатида барҳам топган.

## ОҚИБАТИ ОҒИР БЎЛДИ



Лондондаги "Грейт Ормонд Стрит" шифохонасида ўн кун аввал жароҳлиқ йўли билан ажратилган сийм эгизакларидан бири нафас йўлининг касаллигини оқибатида ҳаётдан кўз юмди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Фейт ва Хоуп исмли эгизаклар кўкрак қафаси ва қорин қисми жипслашган ҳолда дунёга келган. Қизалоқларнинг жигари умумий бўлган.

Ў.А.

## Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ДЕМОКРАТИЯ ПЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилётган демократик ислохотларнинг пировард мақсади — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама таъминлашдан иборат.

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қадрлаш ҳамда химоялаш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларини диққат-эътибор марказида тутиш, инсоннинг меҳнат қилиб муносиб даромад олиши, мулкка эга бўлиши, ижтимоий таъминот, жамиятдаги эътиқод ва сўз эркинлигига қаноқат бериш каби масалалар" устувор вазифа сифатида майдонга чиқади.

Давлатимиз раҳбарининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида таъкидланганидек, истиқбол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтинчи асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминловчи миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг турли восита, усул ва шарт-шароитлари мавжуд бўлиб, улар бир бутун қафолатловчи тизимни ташкил этади.

Юридик қафолат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қонун асосида ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланшидир. Уларнинг энг муҳимлиридан бири Конституциямизнинг 44-моддасида белгиланган. Унга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқлари суд орқали химоя қилиниши лозимлиги мустақамланган. Бу конституциявий меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонунида янада ривожлантирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги "Судлар тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонунига кўра, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатларини ҳар қандай тажовузулардан химоя қилиш суд идораларининг асосий

вазифаси қилиб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонунининг 4-моддасига кўра, прокуратура идоралари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш, деб мустақамлаб кўйилган.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофазасини таъминлаш механизмининг янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда яна бир қатор қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари айнан юқоридаги мақсадга йўналтирилган. Бундан кўриниб турибдики, инсон ҳуқуқларини самарали химоя қилишнинг энг муҳим қафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустақамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, қучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Суд-

ҳуқуқ ислохотлари инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, аввало, асосий жинойти таъкиб ва шахсий ҳаётга аралашидан химоялаш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳофазасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофазаси этилишига қаратилганлиги мамлакатимизда инсон шайни ва кадр-қиммати муқаддас ва дахлсизлигига, улар Конституция ва суд ҳимоясида эканлигига эркин далилдир.

Юртбошимизнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан имзолаган Фармонида кўзда тутилган тадбирлар изчил бажариб келинди. Йил давомида мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрталарида, маҳаллаларда ҳамда меҳнат жамоаларида давра суҳбатлари, учрашувлар, танловлар ўтказилди. Бугун мамлакатимиз таълим муассасаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган умумий даражаси ўтказилмоқда. Бу сабақлар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини химоялаш давлат ва жамият фаолиятининг бош йўналишига айланганлигини янги куч билан тасдиқлайди.

Маҳбуба ҲАМИДОВА, доцент.

## Ижтимоий ҳамкорлик



# КОЛЛЕЖДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Чирчиқ sanoat-iktisodiyet kasb-xunar kollezhida Ўзбекистон-Швейцария "Касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳаси доирасида "Касб-хунар коллежлари ва ҳамкор корхоналар ўртасидаги ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлигини янада ривожлантириш" мавзусида конференция ўтказилди.

Унда манфаатдор ва-зирликлар, идоралар ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Республикамиз иқтисодиёти учун малакали, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган кадрларни тайёрлашда ўрта-маҳсул, касб-хунар таълими муассасаларининг ўрни беқийибди. Шу боис, таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ижтимоий ҳамкорлини йўлга қўйиш шунинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Конференция икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик лойиҳаси иккинчи бо-

сқичининг мантиқий давомидир, - дейди Чирчиқ sanoat-iktisodiyet kasb-xunar kollezhida директори Олимжон Муқимов. - Лойиҳанинг асосий мақсади кичик бизнес секторини иноватга олган ҳолда касб-хунар коллежлари билан ишлаб чиқариш корхоналарининг тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик моделларини такомиллаштиришдан иборатдир. Унинг иккинчи босқичига коллежнинг ҳам киритилган бўлиб, Чирчиқ шаҳри меҳнат бозори талабларини эътиборга олган ҳолда коллежда лойиҳани амалга ошириш учун "Автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш,

таъмирлаш ва созлаш" пилот мутахассислиги танлаб олинган.

Коллежимиз халқаро лойиҳа доирасида Швейцария конфедерал ҳукуматининг беғарас ёрдами билан бугунги кунда энг замонавий компьютер графикаси, ўқув лаборатория ва амалиёт хоналари билан таъминланди. Минтақавий-касбий тайёргарлик марказимизда республика коллежлари ўқитувчилари ўз малакаларини оширмоқдалар. Марказнинг киска муддатли курсларидан туманлардан келган аҳоли 14 касб йўналиши бўйича хунар эгаллар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда чет элларда ишлаш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлмоқдалар.

**Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТА: конференция ишидан лавҳа.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## Вилоятимизда почта соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фидойилар кўп. Зангиота тумани почта алоқаси бўлими факрийси Ҳусниддин Эшонов ҳам шу соҳада ишлаб, бахт топди.

# КАСБИДАН БАХТ ТОПДИ

Меҳнат фаолиятини почта бўлимида бошлаган бу алоқачи туман "Матбуот таркатувчи" корхонасини кўп йиллар давомида бошқарди. Унинг туман почта алоқаси тармоғи раҳбари сифатидаги фаолияти ҳам самарали кечди.

Ҳозир тармоқда техника хавфсизлиги муҳандиси бўлиб ишлаётган устоз алоқачи "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти томонидан муносиб тақдирланди. Почта бўлими эса телевизор билан мукофотлади.

Ақбар АЛИЕВ.

Айни кунларда барча меҳнат жамоаларида "Ешлар йили" Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар аянчи сарҳисоб қилиниб, навбатдаги Кишлоқ тарққиёти ва қаровонлиги йилда қилинади ишлар режаси таъминлашда. Муҳофазат кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши ҳам бундан мустасно эмас.

Кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмадjon Ҳужаназаров шу ҳақда муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди. - Биз 2008 йилги иш фаолиятимизни Ешлар йили учун махсус дастур тузишдан бошладик, - деди А. Ҳужаназаров. - Бунда республика Президентининг "Ешлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган қарори асосий йўлланма вазифасини ўтади. Йил дастуридан ўрин олган тадбирларимизнинг мазмун-моҳияти ешлар ўртасида маънавий-маърифий тарбия, тарғибот-ташвиқот ишлари ва оммавий спортни кенг қулоч ёйдиришга қаратилди.

Ташкилотимизнинг барча шахар ва туман кенгашлари ўз фаолиятларини Ешлар йили учун тузилган дастурий тадбирлар ижросига бағишладилар. Жумладан, Ўртачирчиқ туман кенгаши Тўйтепа шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида "Ватанпарвар, Ватан биттадир!" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Оздан зиёд ешлар иштирок этган бу тадбирда Ватан инсон учун энг буюк маъво, сарҳадлари эса муқаддас эканлиги, шу боис унинг тинч-

лиги ва барқарорлигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг шарофли бурчи эканини ҳусусида сўз борди. Дустилик маҳалласи ешлари даврасида ташкил этилган "ОИТС - аср вабоси" мавзусидаги баҳс-мунозарада туман марказий поликли-

## "Ватанпарвар":

# ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

никаси тиббий ходимлари ушбу бедаво хасталиқнинг келиши чикиш манбалари ва сабаблари ҳамда аянчи оқибатларини кўргазмалли воситаларни орқали кенг тушунириб, ундан сақланиш йўл-йўриқлари ҳусусида фойдали маслаҳатлар бердилар.

Оҳангарон шахар-туман кенгашлари 10- ва 38-умумтаълим мактабларида диний экстремизмининг зарарли мақсад-моҳияти ва бу оқимга адашиб қўшилиб қолган каттао кичикларнинг аянчи тақдирини ҳақида суҳбат ўтказди. "Қамолот" ешлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган "Жамиятдаги барқарорлик - Ўзбекистонни янада ривожлантириш

қафолати" мавзусидаги савла-жавоб кечасида ешлар катта қизиқиш билан иштирок этдилар.

Паркент туман кенгаши Бешкапа ва Заркент қишлоқларида вояга етмаган ўсмирларнинг турли норасмий диний оқимлар

аналарининг ва уларнинг ешлар тарбиясидаги аҳамияти" мавзусида суҳбатлар ташкил этилди. Чирчиқ автомобиль мактабида "Хотира ва қадрлаш кўни"га бағишланган ўшғирилган тадбир қорантларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, Янгийўл, Ангрен автомактабларида ҳам йил давомида "Биз озоод юрт фарзандларимиз", "Ўзбекистон ватаним меним", "Аждодлар анъаналарига содиқимиз ва уларни изчил давом эттирамиз" каби мавзуларда тадбирлар уюштириб борилди. Барча автомактабларда ешларни республика Қуролли Қучлари сафида хизмат қилишга тайёрлаш, ҳарбий касбларга ўргатишга қаратилган тадбирлар йил бўйи давом этди. Бундан спортнинг техник ва амалий турларининг оммавийлигини ошириш, уларга маҳаллий болаларни кўпроқ жалб этиш ва мунтазам шугулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш бериш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бугунги кунда ташкилотимизнинг шахар ва туман кенгашлари, автомобиль мактаблари қошида спортнинг йигирмага яқин техник ва амалий турлари бўйича тўғараклар ишлаб турибди. Уларда 7000 дан зиёд болалар мунтазам шугулланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ешлар йилида ташкилотимиз республика халқ ҳужалиги учун 5500 дан зиёд юқори малакали мутахассислар тайёрлаб берди.

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлатимиз раҳбарининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида белгиланган мақсад ва вазифалар доираси "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Республика Миллий матбуот марказида Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миқли маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатылари, Сенати аъзолари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Омбудсман институти, давлат ва жамоат ташкилотлари масъул вакиллари, босма ахборот воситалари ходимлари, журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Давра суҳбати доира-

сида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миқли маркази ҳамкорликда уюштирилган "Инсон ҳуқуқлари журналист нигорихида", "Менинг Конституция" танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Шунингдек, етакчи газеталар таҳририятлари қошида ташкил этилган журналистика маҳорат мактабларида 2008-2009 ўқув йили бошланганлиги бағишланган тадбир ҳам ўтказилди.

## «САГДИЯ» — ЛИТВАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН УЙИ

Ўзбекистон савдо-саноат палатасида Литванин Коунас шаҳрида очилган "Сагдия" савдо-инвестиция уйининг тақдироти бўлиб ўтди.

"Сагдия" савдо-инвестиция уйининг ўзбекистондаги вакили Баҳодир Алиевнинг айтишича, Савдо-инвестиция уйини ташкил этишдан қўзғалган асосий мақсад Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташки бозорга чиқаришга кўмаклашувчи бизнес-инфраструктурани ривожлантириш, қўша лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон ва Европа корхоналари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, Ўзбеки-

стон ва бошқа мамлакатлар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. "Сагдия" савдо-инвестиция уйи тижорат корхонаси бўлиб, савдо-воситачилик, консалтинг хизматларини кўрсатади, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини Болтиқбўйи ва Европа Иттифоқи мамлакатларида сотишга ёрдам беради. Бундан ташқари, инвесторлар ва ҳамкорларини ўзаро фойдали лойиҳаларда иштирок этиш учун жалб этишга эътибор қаратилади.

Ў.А.

Б. ХИДИРОВА, Ў.А. мухбири.

# 2008 йил - Ёшлар йили

## «КАМОЛОТ» КАМОЛГА ЕТАКЛАЙДИ

Дунёда ҳар бир инсон умид билан яшайди. Айниқса, ҳаётга хайрат тўла нигоҳлари билан боқиб улғаядиган ёшларнинг кўнглидаги орзу истаклари, пок ва беғубор ниятлари бир олам бўлади. Уларнинг дил тубидаги жамики эзгу интилишларини рўёбга чиқаришларида энг яқин кўмакчи, маслакдош – бу шубҳасиз "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатидир.

Туманимизда иқтидорли ёшлар кўп. Улар истеъдодини юзага чиқариш, қобилиятини шакллантиришга кўмаклашиш ҳамisha диққат эътиборимизда. "Камолот"нинг ҳар бир лойиҳаси, ҳар бир тадбири замирида ана шу эзгу ва хайрли мақсад муҳассамдир.

Ёшларимиздан Нигора Мақсудова "Келажак овози", Хуснора Рўзметова, Азиз Эргашев, Саидмуҳаммад Боржонов "Янги авлод" кўрик-танловларида кашф этилган иқтидор эгаларидир. Туманимизда ёшлар иштирокидаги барча тадбирлар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари мароқли ўтади. Айтайлик, "Сардор – 2008", "Кўнўқлар ва зукколар", "Энг намунали етакчи", "Сиз кунунки биласизми?", "Шунқорлар", "Камолот маликаси", "Қадрият", "Урф-одат ва анъаналар", "Камолот шахмат тахтаси" каби ўнлаб тадбирларда юзлаб йигит-қизларимиз ўз қобилиятларини нафақат туман, балки вилоят ва республика миқёсида ҳам муносиб намойиш этишди.

Биз ёшларни ўз сафимизга бирлаштириш, уларнинг мамлакатимизда яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланишлари учун шароит яратишда таълим муассасалари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келаямиз. Ҳозир туманимиздаги барча умумтаълим мактабларида ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти ва сардорлар кенгаши иш олиб бораёпти. Мактаб ва касб-хунар коллежларида

уюштирилаётган тадбирларда ўқувчиларнинг она Ватанга, миллий қадриятларимизга бўлган меҳр-муҳаббати тобланмоқда. Айниқса, изланувчан, ташаббускор ёшларни ташкилотимиз ва бошқа ҳамкор ҳомийлар томонидан мунтазам рағбатлантириб боришга катта аҳамият бераёламиз.

Шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамisha эътиборимиз марказида бўлиб келаяпти. Кенгашга мурожаат этган 15 ёш оиланинг ҳужжатлари имтиёзли кредит учун тавсия қилинди. Кам таъминланган 21 оиланинг никоҳ тўйларини ўтказиб беришга баҳоли қудрат хисса қўшдик. Молиявий мададга муҳтож ёш оилаларга 180 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Яна 11 та ёш оилага яқка тартибда уй-жой қуришлари учун ер майдони ажратилди.

"Камолот"нинг яна бир йирик лойиҳаси "Ёш тадбиркор – элга мададкор" танловидан муваффақиятли иштирок этган 2 нафар тумандошимиз кредит олиб, ўз бизнесларини йўлга қўйишди.

Бу фаолиятимиздан бир шингил, холос. Ҳали қилажак асосий ишларимиз олдинда. Муҳими, ёшларимиз "Камолот"га ишонмоқда, унга суянишмоқда. Биз ҳамisha уларнинг орзу-истакларига қанот бўлишга шайимиз.

**Хуришд ХОШИМОВ,**  
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси.



Тумандаги 28-умумтаълим мактаби 1978 йилда фойдаланишга топширилган. Шу кунгача зиё маскани минг-минглаб ўқувчиларни мустақил ҳаётга учирма қилди.

Ҳозир бу ерда 48 нафар ўқитувчи 871 нафар ўқувчига таълим-тарбия бермоқда. Шу йили 11-синфни 40 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 12 нафари олий ўқув юртига ўқишга киришга муваффақ бўлди.

**СУРАТДА:** мактабнинг намунали ўқувчиларидан бир гуруҳи.

## Ўртачирчиқ тумани:

# ИЗИМИЗДАН НАВҚИРОН АВЛОД КЕЛМОҚДА

Бугун 169 мингдан зиёд киши истиқомат қилаётган Ўртачирчиқ тумани аҳолисининг 54 фоизидан кўпроги ёшлар.  
Тўйгепа нафақат туманининг, балки вилоятимизнинг кўзга кўринган, кўркам ва гавжум шаҳарчаларидан биридир.  
Туман иқтисодиётининг етакчи тармоғи қишлоқ хўжалигидир. Шу билан бирга ҳудуд саноати ҳам жадал ривожланиш йўлида. Айни вақтда бу ерда 35

та саноат тузилмалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб турибди.  
Ҳудуддаги 74 та мактаб, 35 та мактабгача таълим муассасаси, 4 та касб-хунар коллежиде эртанимиз давомчилари муносиб таълим-тарбия олмақдалар.  
"Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг туман бўйича ижроси учун бугунги кунгача 4 миллиард 498 миллион сўм маблағ сарфланди.

### Банадик

## ЯНГИ ИШДАН БИРИНЧИ МАОШ

Ёшлар йили поғнига етиб бормоқда. Ҳар доимгидек бу йил ҳам туманимиз ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топшишларига кўмаклашиш асосий мақсадимизга айланди.  
Биргина мисол. Марказимизга 4295 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилган бўлса, шундан 2724 нафари ёшлар. Саъй-ҳаракатимиз билан 2270 нафар фуқаро ўзларига ҳар томонлама мақбул иш жойларига эга бўлишди. Шулар қаторида 1390 нафар ёш йигит-қиз мустақил иш бошлаб илк маошларини ҳам олди.  
Вилоят маънавият ва маърифат маркази туманимизда жойлашган. Бу ерда нафақат туман, балки вилоят миқёсидаги турли меҳнат ярмакчалари ўтказилаётгани айти мудоа бўлаёттир. Шу йилнинг ўзиде ташкил этилган 10 дан зиёд меҳнат курганмалари ишсизлар руйхатининг камайишига ёрдам берди. Дарвоқе, ушбу ярмакчаларда 198 та корхона ва ташкилот 2080 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. 1855 нафар ишсиз фуқаро ўзларига мақбул иш топшиш мақсадида ярмакчага қатнашди. Уларнинг 1150 нафари ёшларидир.  
Шунингдек, бу йил ҳам "Ижтимоий химояга муҳтож тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш" квотасидан унумли фойдаландик. 582 нафар фуқаро шу йўл билан ишга жойлаштирилди. 359 нафар битирувчи ҳамда 4 нафар ҳарбий хизматдан қайтган ёшларнинг иш билан таъминланишларида ҳам мана шу квота имтиёзлари керак бўлди.  
Республика Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тақомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда "Йирик саноат корхоналари билан қасанчиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизмат ўрсатишда кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони қўлдалик ишимизда муҳим ҳужжат вазифасини ўтаётти. Бу ҳужжатлар иқтисодиётнинг барча тармоқлари, биринчи галда транспорт, алоқа, қурилиш индустриясининг йирик корхоналарига, шунингдек, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга иختисослашган кичик саноат корхоналарига нисбатан жорий этилаётти. Қолаверса, аҳоли бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашда йирик саноат корхоналари билан қасанчилар ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга эришилмоқда. Энг муҳими, қишлоқ жойларида иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда мақсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга жалб этиш учун иш берувчилар рағбатлантириляпти, қасанчиликнинг ижтимоий ва меҳнат қаролатлари таъминланаёпти.  
Яна бир гап. Туманимизда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича тадбиркорлик ва рақобати қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилган ва туман ҳокимияти қарорлари ҳам тасдиқланган. Шунга қўра, йилнинг ўтган даврида 2503 та янги иш ўринлари яратилди.  
**Кобилжон МАВАШЕВ,**  
туман бандликка кўмаклашувчи маркази раҳбари.

## УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган касб-хунар коллежлари келажакимиз давомчиларига муносиб таълим-тарбия бериш, хунарго ўргатиш ва катта ҳаётга тайёрлашда юртимиз таълим тизимининг асосий бўғинига айланиб қолди, десак янглишмаймиз. Айниқса, "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган мақсад-вазифаларнинг аниқ режа асосида, бекам куёт ижро этиб келингани ёшлар камолотига хизмат қиладиган хайрли ишларимиз қўламини кенгайтириб юборди.

Бизнинг ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежмиз туманимиздаги йирик, салоҳиятли таълим масканларидан ҳисобланади. Табалалар 6 йўналиш бўйича замонавий шарт-шароитларда, малакали устоз-мураббийлар қўл остида илм олиб, хунар эгалламоқдалар. Асосий эътиборни муассасамизни битириб чиқаётган йигит-қизларнинг мустақил ҳаётда ҳам муносиб ўрин эгаллашлари учун зарур шароитларни ҳозирлашга қаратаёламиз. Бунинг учун туманимиздаги йирик корхона ва ташкилотлар, банк-молия муассасалари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, ҳомийлар билан яқин алоқалар ўрнатганмиз.

Шундай ҳамкорлик туфайли 2008 йилнинг май-август ойларида вилоят ва туман миқёсида 12 марта меҳнат ярмаркалари ўтказдик. Ташаббусимизни туман васийлик кенгаши, бандликка кўмаклашувчи марказ, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими ҳамда жойлардаги фуқаролар йиғинлари ҳар томонлама қувватлаб келишаётти. Самарали ҳамкорлик натижасида коллежимизнинг 168 нафар битирувчиси иш билан таъминланди. Уларнинг

аксарияти тумандаги нуфузли корхона ва идораларнинг ёш, изланувчан кадрларига айланишгани бизни беҳад қувонтиради. Собиқ талабаларимиз бугун "Пахтабанк", "Халқ банки", "Миллийбанк" бўлимларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида, қўшма корхоналарда, фермер хўжаликлариде самарали меҳнат қилишаёпти.

Яна бир муҳим жиҳат, шуки, бир йил ичида биз ёшларимизни иш билан таъминлаш борасида катта тажриба тўпладик, ҳамкорларимиз сафига кенгайди, ўртада ўзаро ишонч туғилди. Шу асосда 2009 йилда ҳам коллежмиз битирувчиларини фойдали меҳнат билан тўла қамраб олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқдик. Ҳозирнинг ўзидеёқ манфаатдор идора ва ташкилотлар вакиллари билан меҳнат муносабатлари юзасидан турли давра суҳбатлари, учрашувлар уюштиряймиз.

Изимиздан қадам-бақадам кучли, навқирон авлод келаяпти. Уларни мустақил ҳаётга йўллаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш бизнинг олий мақсади-миз бўлиб қолаверди.

**Қудрат АҲРОРОВ,**  
ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи директори.

## БУНИ СОВГА ДЕСА БЎЛАДИ

Тўйгепалик Гулжон Қурбонова омад кулиб бокди.

У "Жар" спорт – соғломлаштириш масканида қўл жанги (армистлинг) бўйича республика биринчилигида иштирок этиб, қумуш медаль соҳиб бўлди. Унга медаль, фахрий ёрлик ҳамда гуллар билан бирга тrenaжёр жамланмаси топширилди. Бу совга унга ўз маҳоратини янада ошириши учун айти мудоа бўлди.

### Юртимизда ёшлар келажак ва камолоти учун кўрсатилаётган беқиёс эътибор ва ғам-хўрлик, хусусан, ўтаётган йилнинг "Ёшлар йили" деб аталыши муносабати билан ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдек хайрли ишларга тижорат банклари ҳам баҳоли қудрат улуш қўшмоқдалар. Молия муассасаларининг берарас кўмаги билан шу бир йил ичида жуда кўп ёш оилалар турмушларини энг солишга муваффақ бўлишди.

## РЎЗГОРИНГИЗ БУТМИ, ДЕМАК БАХТИЁРСИЗ

Неча-неча янги рўзгорларнинг кам-кусти бутланди, уй-жойдан тортиб, маиший шайларга яқинлашди. Бу каби хайрли ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Фикримиз тасдиғини бизнинг ақиддорлик тижорат "Пахтабанк"нинг Тўйгепа филиали мисолида ҳам кўриш мумкин. Йил давомида ўш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида оилавий тадбиркорларни ташкил этиш учун микрокредитлар, уй-жой оlish, қуриш, таъмирлаш учун ипотека ҳамда истеъмол кредитларини тақдир этиб келаямиз. Умуман, йил давомида 24 та ёш оилага имтиёзли микрокредит ажратилди. Булар асосан хонадонларга мебулар, маиший буюмлар, уй-рўзгор жиҳозлари харид қилиш учун йўналтирилди. Бу мақсадга 56 миллион 278 минг сўм маблағ ажратилди.

Энг қувонарлиси, яқинда наватдаги ёш оилани уй-жойли қилишга муваффақ бўлди. Уларга банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 30 миллион сўм узоқ муддатли кредит берилди.

Бугун юртимизда рўзгор бун бун, бахтиёр оилалар кўпаймоқда. Бунга эришишда озми-кўпми хиссамиз борлиғи бизга мамнуният бахш этади.

**Тўғрун БОЛИКУЛОВ,**  
"Пахтабанк"нинг Тўйгепа филиали бошқарувчиси.

**Раъно ЖУМАНОВА,**  
туман халқ таълими бўлими мудири.


## ФЕРМЕРЛАР МАМНУН

Ақл ёшда эмас, бошда дейишди. Бу нақл ўртачирчиқлик фермер Учқун Суюнбоевга ҳам бевосита тааллуқли десак, муболага бўлмайди. У ҳали ёш бўлса-да, аллақачон омилкор фермерга айланган.

Бунда болалик ва ўспиринлик даври деҳқончилик билан шуғулланишда ўтгани асқотди.  
Учқун 5 йилдан буён "Суюнбой ота" фермер хўжалигини бошқариб келмоқда. Хўжалиқда 32 нафар аъзо меҳнат қилиб, ўзига яраша даромад қўришаётти. Хўжалиқка қарашли ёрнинг 48 гектарига галла, 30 гектарига пахта экилмоқда. 5 гектар майдонни эса, тутзорлар эгаллаган. Бу йил хўжалиқдагилар 187 тонна пахта етиштириб, шартномани ортиғи билан бажаришди.

Президентимиз томонидан 2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилингани биз учун айти мудоа бўлди, – дейди У. Суюнбоев. – Энди фермерларнинг ўз орзу-истакларини амалга оширишлари учун имкониятлар янада кенгайди.

**СУРАТДА:** ёш фермер Учқун Суюнбоев.



# КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Туманимизга юқори ташкилотдан меҳмон ёки газеталардан журналист келса, албатта мактабларимиз билан қизиқшади. Бунинг ўзига яраша сабаби бор. Ҳозир туманимизда 73 та умумтаълим мактаби фаолият юритаётган бўлса, шундан 53 таси замонавий бинога эга. Бундан ташқари, 4 та мактабдан ташқари муассаса ҳамда 1 та махсус мактаб интернет ҳам ишлаб турибди.

Таълим масканларимизда 29 минг 646 нафар ўқувчи илм олмақда. Уларга 2 минг 213 ўқитувчи билим беришаёпти. Ўқитувчиларимизнинг 1474 нафари олий, 106 нафари туғалланмаган олий маълумотга эга. Олий тоифага мансуб ходимларимиз 120 нафарга яқинлашиб қолди. Халқ таълими тизимидаги кўп йиллик меҳнатларини инобатга олиб, шу йил 1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куниде бир қатор ўқитувчиларимизга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Шу кун Форуза Раззо-

кова, Шахло Ўринбоева, Фотиима Бегмонова "Халқ таълими аълочиси" кўрак нишони билан тақдирланди. 28-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси Фотиима Қушанованинг "Дўстлик" ордени билан мукофотлангани барчамизни қувонтирди.  
Ўқитувчиларимизга берилаётган бу мукофот ва эътирофлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Энг аввало, ўқитувчи-педагогларимизнинг малакасини оширишга жиҳдий вазифа сифатида қаралтирилди. Шу йилнинг 9 ойи давоми-

да 231 нафар педагог Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида малака оширди.  
Ҳар йили битирувчилик шаходатномасини қўлига олаётган минг-минглаб ўқувчиларга қараб, ҳавасим келди. Улардаги ҳаётга бўлган интилишни кўриб, завқинг ошди. 2007-2008 ўқув йилида 9-синфни 3413 нафар ўқувчимиз битириб чиқдик. Уларнинг 1536 нафари туманимиздаги касб-хунар коллежларига эслаб этилди. 374 нафар ўқувчи эса, Тошкент шаҳридаги таълим масканларида ўқишларини давом эттириляпти. 20 нафар ўқувчи академик лицей талабасига айланди. 2008-2009 ўқув йилида тумандаги 30 та умумтаълим мактабиде 10-синф очилди, 1137 нафар ўқувчи қабул қилинди.

Иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларимиз туманимиз фахри. Яқинда улар сафига Санам Ҳабибова қўшилди. 1-мактаб ўқувчиси бўлган бу қиз республика олимпиадасида давлат тили фанидан биринчи ўринни эгаллади. 72-мактабнинг аълочи ўқувчиси Шохрўх Орипов ҳам мураббийлари юзини ёруғ қилди. У мана шу олимпиадада информатика бўйича мутлақ голибликка эришди. 10-мактабимиз жамоаси ўқувчи Асад Абдуллаевни кўп йиллар эслаб, фахрланиб юришса ажаб эмас. У вилоят фан олимпиадасида қозоқ тили фанидан голиб чиқди. Асад Абдуллаевнинг бу галабаси Қозоғистон Республикаси Успен шаҳрида ўтказилган Жаҳон олимпиадасида иштирок этиш йўланмасини берди. Ўқувчимиз Қозоғистондан Фахриликкинчи

ўринни эгаллаб қайтди.  
Туманда 4 та мактабдан ташқари муассаса ҳам мунтазам ишлаб турипти. Ўқувчи-ёшлар техник ва ижодиёт марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 12-болалар санъат мактаби ҳамда 20 та тўғрак доимо гавжум. Уларнинг асосий иш фаолияти ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишга қаратилган. 30 йиллик иш тажрибасига эга санъат мактабимизда 25 нафар педагог ходим 6 та бўлимада 241 нафар ўқувчига мусиқа санъатидан дарс бериб келмоқда. Бу ердаги дарс жараёнида ҳар бир болага алоҳида эътибор берилди. Биз бу мактабни бўлажак бастакорлар маскани деб атаёмиз.  
Ҳозир 37 та умумтаълим мактабимизда умуммиллий дастур асосида компьютер синфлари

ташкил этилган. Барча таълим муассасаларининг паспортлари электрон дастур асосида ишлаб чиқилган. "Мактаб – ИНФО" деб номланган маъмур дастурда мактабнинг ташқи ва ички кўриниши, ўқув моддий-техник базаси электрон кўринишида бўлади.  
Бундан ташқари, 1-, 13-ҳамда 72-мактабларимиз Интернет тармоғига уланган. Эндиликда халқаро ахборотларни олиш ва улардан самарали фойдаланишда ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Бундан ташқари, 1-, 13-ҳамда 72-мактабларимиз Интернет тармоғига уланган. Эндиликда халқаро ахборотларни олиш ва улардан самарали фойдаланишда ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

**Раъно ЖУМАНОВА,**  
туман халқ таълими бўлими мудири.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Файрат Шералиев, Хуришда Назарова, Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлади.

Тахририятта мактуб

Жамоани шу даражага кўтариш учун бош мураббий Рустам Мирсоидов кўп иш қилди, - дейди "Узметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси "Металлург" футбол клуби шифокори Мирзабурхон Дўстмуродов. Бу жамоамизда футболчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлигини, уларнинг саломатлигини яхшилаш, тиббий маданиятини ошириш билан уйғунлаштириш самараси бўлди, десам, хато бўлмас.



Шифокор мамнун. Нега?

ШИФОКОР МАМНУН. НЕГА?

Ёшлар йилини Бекобод футболчилари муносиб нишонлашди. "Металлург" футбол жамоаси бу йил биринчи марта миллий чемпионатни еттинчи поғонада яқунлади

Қанчадан-қанча Миржалолларнинг етишиб чиқишига ўзимизнинг беғамлигимиз, лоқайдлигимиз тўғриси бўлиб қолаётми, - деган эди у футболни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинган бир йилда. - Иқтидорли футболчиларни тиббий назорат қилиб, тўри тарбия бераётмири. Уларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳануз паст.

чиларни маънавий-руҳий чиниктирувчи устозга айланди. - Мана бугун қувончимиз чекизи, - дейди у. - Мен бу дамларни ўн беш йил кўрдим. Кейинги йилларда "Металлург" жамоаси тарихида юз берган ўзгаришлар, мусобақаларга тайёргарлик жараёнларида бош мураббий билан жамоа сардорининг машқлари илҳом берди.

ортиб боришига хизмат қилди. Жамоа шифокорининг мамнунлиги бежиз эмас. Чунки футболчилар Ёшлар йилида алоҳида матонат билан ўйнади, "Металлург"нинг ўз тарихида ilk бор миллий чемпионатни қўли еттилади яқунлашди. Бу, аввало, бирлашмамиз раҳбариятининг гаммуриги, ўйинчилар ва барча хизмат ходимларининг жиспслиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бекажон

КўЗИКОРИН БИЛАН ЯНАДА МАЗАЛИ Тайёр билинчиларга гўшт ёки картошка пюреси эмас, балки ёгда қовуриб олинган кўзикокин қиймасини ўраб, газ пещида ҳар бирининг устига қирғичдан ўтказилган пишлоқдан селиб 15 дақиқа пишириб олсангиз, эрта-лабки нонуштада сизга иштаҳа бағишлайди.

ЁНҒОҚЛИ ТОРТ

Хамир учун масалликлар: 9 та тухум, 250 гр. қанд уласи, 200 гр. ёнғоқ ёки бодом. Кремга: 400 мл. қаймоқ, 50 гр. шokolad, 150 гр. қанд уласи. Тухумнинг оқини сариқдан ажратиб, қанд уласи қўшиб яхшилаб кўпиртира-сиз. Тухум оқига ун ва кўпиртирилган сариқини қўшасиз. Хамирни беш бўлакка бўлиб, ҳар бирини ёйиб, устидан ёнғоқ сепасиз. Сўнг 220 даражада қизиб турган газ пещида алоҳида-алоҳида пишир-иб олсангиз. Тайёр коржларни совутирасиз.

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари жамоаси тахририят мухбири Хуршида Назаровага онаси Жамила Сайфиiddиновани вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"БУНЁДКОР" — ОСИЁДА БИРИНЧИ!

GERMANYDAГИ Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) томонидан эълон қилинган дунёдаги энг кучли футбол клубларининг жорий йилда...

125-поғонада қайд этилган. Умумий рўйхатда Испаниянинг "Барселона" жамоаси етакчилик қилмоқда. Бир хил очкога эга Англиянинг икки клуби - "Манчестер Юнайтед" ва "Ливерпуль" кучли ўчликдан жой олди.



Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ўЗА шарҳловчиси.

РАУНЕТ: ТАНАШ ИМКОНИЯТИГА ЭГАСИЗ

"ПОЙТАХТ" меҳмонхонасида РАУНЕТ компанияси 2008 йилги фаолиятининг яқиний ҳисоботи ва келгуси йил режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. РАУНЕТ компанияси тизимининг тўлов шахобчалари 2008 йилда икки баробар кўпайгани ва агентлик тармоғида йил бошида 5000 та, ҳозирги кунда эса 15000 дан зиёд шахобча фаолият кўрсатаётгани компаниянинг асосий ютуқларидан биридир.

Тақдирот

Кейинги пайтда одам савдоси ҳақида бот-бот гапирилмоқда. Трансмилий жиноятчиликнинг бу кўриниши инсон, унинг шавъи, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётгани барчани ташвишлантиряпти.

"...ТОРТАДУРМАН ЖАБРИНИ..."

Ўзбек миллий академик драма театрида томошабинлар эътиборига ҳавола этилган "...Тортадурман жабрини..." драматик спектакль айнан шу муаммага бағишланган. Унинг яратилишида одам савдосига қарши курашиш бунча республика ва Тошкент шаҳар идораларо комиссияси, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбек миллий академик драма театри ҳамкорлик қилди.

Шундан кейин БОЛАЛАР УЧУН «СОТКА»

Хитойнинг Сянган (Гонг-конг) шаҳрида бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган мобил телефон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. У кўринишдан ўйинчоққа ўхшайди. Ажабланирлики шундаки, "Itsmagical" компанияси томонидан тайёрланган бу телефондан кичкинтойлар бегона рақамларга кўнги-рок қилолмайди ва бундай рақамлардан чақирувларни ҳам қабул қила олмайди.

ИЛК ЗАВОД ИШГА ТУШДИ

Японияда электромобиллар учун батарея ишлаб чиқарувчи илк завод қурилди. У "Nissan Motor" (автомобилсозлик) ва "NEC" (электротехника) корпорациялари ҳамкорлигида ташкил этилди. Хабарларга қараганда, мазкур қўшма лойиҳани амалга ошириш учун 12 миллиард иен (115 миллиард АҚШ доллари) миқдорда маблағ сарфланган.

Хотира дафтаридан

Эҳтимол, бу шунчаки тасодифдир, балки Яратилганнинг ўзи суйган бандаларига уларнинг ўлимидан сўнг кўрсатадиган иноятдир. Қандайдигандан қатъи назар, эл-улус сўзига шак келтириб бўлмайди, у ҳаётдан олиб гапирарди...

ҚУЁШ ПАРЧАСИ

васиятми, дабдурдан идрок этолмадик. Онамнинг шунчалар тез ва осон жон таслим қилганига ишонмадик. Қизиги, унинг руҳи жисмини тарк этган бўлса-да, ранг-рўйи худди бамайлихотир мизгаётган одамникидек, хотираси ва тиник эди. Юзиди деразадан мўраётган кўбш акси товланарди... Йўқ, адаш-ди, онамнинг чеҳрасидан таралаётган нур эди. У кўзимизни қамраётган қалбларни қиздиради, дилларча илиқлик бағишларди. Тўрда онамнинг жонсиз вужуди эмас, кўёнинг бир парчаси ётганга ўхшарди...

Кулганга нима етсин

Эрим жонимга тегиб кетди, - кўз ёш қилди аёл дугонасига. - Ингирма йилдан буён қонини ичади... - Унда у билан яшаб нима қилсан, ажраш, - маслаҳат берди дугонаси. - Хо, кейин у менсиз роҳат қилиб яшасинми? - Сен қимни кўпроқ яхши кўрасан, дадангнинг ёки ойингнинг? - Дадамни. - Нимага? - У доимо уйда бўлмайди. Хотин эридан сўради: - Чўкаётганимда кутқариб қолган одам билан учирадингми? - Ха. У "бу биринчи ва охиригиси, энди кутқармайман", - деб мендан узр сўради...

Бекажон

КўЗИКОРИН БИЛАН ЯНАДА МАЗАЛИ Тайёр билинчиларга гўшт ёки картошка пюреси эмас, балки ёгда қовуриб олинган кўзикокин қиймасини ўраб, газ пещида ҳар бирининг устига қирғичдан ўтказилган пишлоқдан селиб 15 дақиқа пишириб олсангиз, эрта-лабки нонуштада сизга иштаҳа бағишлайди.

ЁНҒОҚЛИ ТОРТ

Хамир учун масалликлар: 9 та тухум, 250 гр. қанд уласи, 200 гр. ёнғоқ ёки бодом. Кремга: 400 мл. қаймоқ, 50 гр. шokolad, 150 гр. қанд уласи. Тухумнинг оқини сариқдан ажратиб, қанд уласи қўшиб яхшилаб кўпиртира-сиз. Тухум оқига ун ва кўпиртирилган сариқини қўшасиз. Хамирни беш бўлакка бўлиб, ҳар бирини ёйиб, устидан ёнғоқ сепасиз. Сўнг 220 даражада қизиб турган газ пещида алоҳида-алоҳида пишир-иб олсангиз. Тайёр коржларни совутирасиз.

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари жамоаси тахририят мухбири Хуршида Назаровага онаси Жамила Сайфиiddиновани вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Қуёш парчаси

қетди, кўзёшларини симсим тўқшига қирмади... Шу зайл бир зумда кўз илиқлиги қиш изғирини билан алмашди. Оби раҳмат бизни ҳам эзиб, ўзи ҳам эзилиб, бир маромада ёғаверди-ёғаверди... Элга ташаққур, кўпчиликка қулқул! Совуқ демая, лойғарчилик демая, дарвоза-мирдан маънос қириб келаверди-келаверди. Бир вақиятми, дабдурдан идрок этолмадик. Онамнинг шунчалар тез ва осон жон таслим қилганига ишонмадик. Қизиги, унинг руҳи жисмини тарк этган бўлса-да, ранг-рўйи худди бамайлихотир мизгаётган одамникидек, хотираси ва тиник эди. Юзиди деразадан мўраётган кўбш акси товланарди... Йўқ, адаш-ди, онамнинг чеҳрасидан таралаётган нур эди. У кўзимизни қамраётган қалбларни қиздиради, дилларча илиқлик бағишларди. Тўрда онамнинг жонсиз вужуди эмас, кўёнинг бир парчаси ётганга ўхшарди...

Кулганга нима етсин

Эрим жонимга тегиб кетди, - кўз ёш қилди аёл дугонасига. - Ингирма йилдан буён қонини ичади... - Унда у билан яшаб нима қилсан, ажраш, - маслаҳат берди дугонаси. - Хо, кейин у менсиз роҳат қилиб яшасинми? - Сен қимни кўпроқ яхши кўрасан, дадангнинг ёки ойингнинг? - Дадамни. - Нимага? - У доимо уйда бўлмайди. Хотин эридан сўради: - Чўкаётганимда кутқариб қолган одам билан учирадингми? - Ха. У "бу биринчи ва охиригиси, энди кутқармайман", - деб мендан узр сўради...

Бекажон

КўЗИКОРИН БИЛАН ЯНАДА МАЗАЛИ Тайёр билинчиларга гўшт ёки картошка пюреси эмас, балки ёгда қовуриб олинган кўзикокин қиймасини ўраб, газ пещида ҳар бирининг устига қирғичдан ўтказилган пишлоқдан селиб 15 дақиқа пишириб олсангиз, эрта-лабки нонуштада сизга иштаҳа бағишлайди.

ЁНҒОҚЛИ ТОРТ

Хамир учун масалликлар: 9 та тухум, 250 гр. қанд уласи, 200 гр. ёнғоқ ёки бодом. Кремга: 400 мл. қаймоқ, 50 гр. шokolad, 150 гр. қанд уласи. Тухумнинг оқини сариқдан ажратиб, қанд уласи қўшиб яхшилаб кўпиртира-сиз. Тухум оқига ун ва кўпиртирилган сариқини қўшасиз. Хамирни беш бўлакка бўлиб, ҳар бирини ёйиб, устидан ёнғоқ сепасиз. Сўнг 220 даражада қизиб турган газ пещида алоҳида-алоҳида пишир-иб олсангиз. Тайёр коржларни совутирасиз.

TOHKENT XAKIKATI TASHKENTSKAYA PRAVDA Myuassis: TOHKENT VILOYATI HOQIMLIGI Boш мухбири Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54. Манзилмиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Хатфанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1140. Адади 4724. Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАХМУДУҲАЕВ. Белгилли материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Қоржона мағзинли: "Буюк Тўрон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 20.30. 2 5 6 7 8